

Водий қориларининг Рамазонга тайёрлиги ўрганилди



05:47 / 23.02.2025 1251

Якунланаётган ҳафта мобайнида муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ташаббуси билан Республика бўйлаб қориларни Рамазонга тайёрлаш суҳбатлари ўтказилди.





Мазкур тадбирларга Дин ишлари бўйича қўмитадан, Ўзбекистон муслмонлари идорасидан ҳамда мазкур вилоятлар масъул ходимларидан иборат жамоа жалб қилинган бўлиб, Тошкент ислом институти Ўқув курслари бўлими бошлиғи Аҳмадхон Рашидов бошчилигидаги бўлим устозлари ва Қуръон илмлари кафедраси ўқитувчиси Валихон Азимбоевлар хизмат сафари билан Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида бўлишди.





Сафар мобайнида Рамазон ойида масжидларда хатми Қуръон қиладиган қорилар билан суҳбатлашиш учун учрашувлар уюштирилиб, хатми Қуръон қилишга доир умумий тавсиялар берилди. Тайёргарлиги суст бўлган қорилар билан алоҳида учрашиб, қироат ва тажвид қоидаларига риоя қилиш даражаси текширилиб, ҳар бирига ўзига хос тавсиялар берилди.



Дарҳақиқат, устоз-шогирд шаклидаги бундай учрашувларнинг ўтказилиши илмни ривожлантириш, савияни кўтариш ҳамда Рамазон ва таровеҳларни

янада файзли ва мазмунли ўтишида муҳим ҳисобланади.